
**Риштонлик ўқитувчи Республика босқичида иштирок этди
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси мукофоти Лауреати Республика кўрик-танлови” ташкил этилди.**

2021 йил 20 апрель – 20 май кунлари танловда иштирок этиш истагини билдирган 5 минг 692 нафар ўқитувчи ustozfondi.uz электрон платформаси орқали ўзлари тўғрисидаги зарур маълумотларни тақдим этдилар. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги экспертлар томонидан номзодлар орасидан танлов шартларига жавоб берадиган 2 минг 714 нафар ўқитувчи саралаб олинди, иккинчи босқичга йўлланма берилди.

Номзодлар томонидан тақдим этилган барча ҳужжатлар экспертлар томонидан баҳоланиб, жами 2 минг 714 нафар ўқитувчи саралаб олинди ва улар иштирокида 2021 йил 8 июль куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳридаги танланган 14 та таълим муассасаларида танловнинг иккинчи босқичи – тест синовлари ўтказилди.

Тест синовлари натижаларига кўра, жами 90 нафар ўқитувчи танловнинг учинчи – Республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Республика босқичига йўлланма олган 90 нафар ўқитувчининг 64 нафари олий малака тоифасига, 26 нафари 1-малака тоифасига эга. 31 нафари 20 йилдан ортиқ, 37 нафари 10-20 йил, 22 нафари 10 йилгача педагогик иш стажига эга бўлиб, уларнинг 32 нафари аёллар эканлигини айтиб ўтиш жоиз.

Танловнинг учинчи (республика) босқичида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқ таълими вазирлиги мутахассисларидан иборат Комиссия томонидан номзодларнинг касаба уюшмаси фаолияти ва меҳнат ҳуқуқи йўналишидаги билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди, номзодларнинг педагогик маҳорати улар томонидан ўтиб бериладиган маҳорат дарслари орқали баҳолаш мезонига мувофиқ баҳоланди. Танлов комиссияси томонидан натижалар умумлаштирилди ва фанлар кесимида энг юқори балларни қўлга киритган 3 нафар иштирокчи, олти фан бўйича 1-, 2-, 3-ўринлар соҳиблари – жами 18 нафар ёлиб аниқланди.

Эслатиб ўтамиз, Республика танловининг ёлиб ва совриндорлари номи мамлакатимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида эълон қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан танловнинг 6 нафар 1-ўрин соҳибларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти Лауреати кўкрак нишони ва ўттиз миллион сўмдан пул мукофотлари, 6 нафар 2-ўрин соҳибларига йигирма миллион сўмдан, 6 нафар 3-ўрин соҳибларига эса ўн миллион сўмдан пул мукофотлари топширилиши белгиланган. Ушбу мукофотлар ёлибларга 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни байрами арафасида ташкил этиладиган тантанали тадбирда топширилади.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур танлов узоқ йиллик самарали фаолияти натижасида иқтидорли ва истеъдодли ёшларни тарбиялаётган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ўз устида ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга кўмаклашиш, ўқитувчиларни касаба уюшмалари фаолиятидаги ўрни ва ролини, меҳнат қонунчилиги ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Маълумот учун Риштон тумани 1-ИДУМ математика фани ўқитувчиси ўқитувчиси Улуғбек Мажидов ҳам танловнинг учинчи (республика) босқичида иштирок этди.

2021-08-20 06:53:09